“O’zmaxsusmontajqurilish” АК
ягона акциядорининг
2022 йил “8” июлдаги
_____ – сонли Қарорига 8-илова бўлиб
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“O’ZMAXSUSMONTAJQURILISH” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ МОДДИЙ МУКОФОТЛАШ (РАҒБАТЛАНТИРИШ) ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. “O’zmaxsusmontajqurilish” акциядорлик компанияси томонидан ““O’zmaxsusmontajqurilish” акциядорлик компанияси кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) тўғрисида”ги Низом (бундан буён матнда “Низом” деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Меҳнат Кодексларига, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 3202 - сон Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 356 - сон қарорига ҳамда “O’zmaxsusmontajqurilish” акциядорлик компанияси (бундан буён матнда “Компания” деб юритилади) уставига асосан тайёрланган.

Ушбу Низом Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига мукофотлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Компания ягона акциядори – Компаниянинг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Компания ягона қарори билан амалга оширилади.

Компания ягона акциядори Компания кузатув кенгашининг мустақил аъзосига нисбатан мукофотлашнинг бошқа тартибини белгиланиши мумкин.

II. Атамалар ва таърифлар

3. Ушбу Низомда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

- **Компания кузатув кенгаши** - Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва Компания устави билан Компания ягона акциядори ваколати доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

- **Компания кузатув кенгаши аъзолари** - Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва Компания уставида назарда тутилган тартибда Компания ягона акциядори қарори билан бир йил муддатга сайланади.

- **Компания тафтиш комиссияси -** Компаниянинг назорат органи ҳисобланиб, Компания фаолияти устидан ички молия – хўжалик ва ҳуқуқий назорат қилиш функцияларини амалга оширади.

- **Компнания тафтиш комиссиясининг аъзолари** - Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва Компания уставида назарда тутилган тартибда Компания ягона акциядори қарори билан бир йил муддатга сайланади.

- **мукофотлаш** – Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларининг функциялар ва мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки қоплаш.

- **МҲТЭКМ** – Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори.

III. Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш мезонлари

4. Компания кузатув кенгаши аъзолари ҳар чоракда ҳамда мустақил ташкилот томонидан амалга оширилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра йил якунлари бўйича бир марталик мукофотланади.

4.1. Компания кузатув кенгаши мажлисларида шахсий иштирок этганлиги учун кузатув кенгаши аъзоларига (ҳар чоракда МҲТЭКМнинг 3 баробари миқдорида).

4.2. Мустақил ташкилот томонидан амалга оширилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра йил якуни бўйича бир марталик мукофотлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Компания корпоратив бошқарув тизимини:

- “қониқарсиз” деб топилганда – мукофот ҳисобланмайди ва тўланмайди;
- “паст” деб топилганда – мукофот ҳисобланмайди ва тўланмайди;
- “қониқарли” деб топилганда - кузатув кенгаши раисига МҲТЭКМнинг 4 баробарида ва кузатув кенгаши аъзоларига МҲТЭКМнинг 3 баробари миқдорида;
- “юқори” деб топилганда - кузатув кенгаши раисига МҲТЭКМнинг 5 баробарида ва кузатув кенгаши аъзоларига МҲТЭКМнинг 4 баробари миқдорида.

6. Компания ягона акциядори Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилишда қўшимча мезонларни белгилаши мумкин.

7. Компания кузатув кенгаши аъзосига тўланадиган мукофотнинг умумий миқдори бир чоракда МҲТЭКМ 17,6 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

IV. Компания кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш (рағбатлантириш) манбалари

7. Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш манбаси Компания маблағлари ҳисобланади.

8. Ушбу Низомга мувофиқ Компания кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан ошкор этилади.

V. Компания кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш миқдори ва тартиби

9. Ушбу Низомнинг 4.1 ва 5 - бандларида белгиланган Компания кузатув кенгашининг аъзоларини мукофотлаш миқдори қуйидагиларга асосан камайтирилиши мумкин:

- чорак давомида ўтказилган йиғилишларнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда сабабсиз иштирок этмаганда (хизмат сафари, меҳнат таътиллари, касал бўлганда ва бошқалар бундан мустасно) мукофотлаш миқдори 25 фоизга камайтирилади;

- Компания кузатув кенгашининг чорак давомида ўтказилган йиғилишларининг 50 фоиздан кўпроғида сабабсиз иштирок этмаганда (хизмат сафари, меҳнат таътиллари, касал бўлганда ва бошқалар бундан мустасно) мукофот тўланмайди;

- Компаниянинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келувчи ёки Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган ёки ўрнатилган қонунчиликни бузилишига олиб келадиган масалалар бўйича ташаббус билан чиққанда;

- қарорларини қабул қилиш натижасида Компаниянинг молиявий аҳволи ёмонлашиши олиб келиши мумкин бўлган ёки Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган ёки амалдаги қонунчиликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган Компания кузатув кенгаши қарорлари қабул қилинаётганда Компания учун муҳим маълумотларни яширганда;

- Компания кузатув кенгашининг айрим аъзоларига нисбатан кўрсатилганлар шикоятлар фактлар билан тасдиқланганда.

Шу билан бирга, Компания кузатув кенгашининг мажлислари кузатув кенгаши аъзоларининг шахсан иштирок этиш орқали, шунингдек, видеоконференциялар ва телефон алоқалари орқали ўтказилиши мумкин.

10. Компания кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган, янги кузатув кенгаши сайланган тақдирда, мукофотлаш Компания кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига йиғилишларда иштирок этган ой учун мутаносиб равишда амалга оширилади.

11. Мукофотлаш чораклик/йиллик ҳисобот натижаларига кўра қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

- корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари (Кузатув кенгаши аъзоларига йиллик мукофотлаш);

- ҳар чорак якуни бўйича (Кузатув кенгаши аъзоларига чораклик мукофотлаш);

12. Компания кузатув кенгаши аъзоларига, мукофотлаш уларнинг шахсий ҳисоб рақамларига ёки пластик карточкаларига маблағларни ўтказиш йўли билан амалдаги қонунчиликда белгиланган миқдорда ва тартибда солиққа тортишни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

13. Компания кузатув кенгаши аъзоларининг банк реквизитлари уларнинг аризасига асосан белгиланади.

14. Компания кузатув кенгаши котибининг функцияларини бажарувчи шахс ҳисоботларни олиб боради ҳамда йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра кузатув кенгаши аъзоларини йиллик мукофотлаш учун Компания бухгалтерия бўлимига ёзма маълумот беради.

Шунингдек, Компания кузатув кенгаши котибининг функцияларини бажарувчи шахс Компания тафтиш комиссиясининг чорак якуни бўйича хулосаси (ҳисоботи) олгандан кейин 5 кун ичида тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш учун Компания бухгалтерия бўлимига маълумот тақдим этади.

15. Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари Компания кузатув кенгашининг раиси ёки Компания ижро этувчи органининг раҳбари номига мукофотни олишдан бош тортиш тўғрисида ариза бериш орқали ушбу

Низомда назарда тутилган мукофотни тўла ёки қисман олишдан бош тортиши мумкин.

VI. Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларга мукофот тўловларини солиққа тортиш

16. Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини мукофотлаш Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда солиққа тортилади.

VII. Якуний қоидалар

17. Ушбу Низом 2021 йилнинг иккинчи чорагидан кучга киради ва бекор қилингунга қадар амал қилади.

18. Ушбу Низомда назарда тутилмаган қоидалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

19. Ушбу Низомнинг айрим меъёрлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва (ёки) Компания уставига зид бўлса, улар ўз кучини йўқотади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг ва (ёки) Компаниянинг уставининг тегишли нормаларининг қўлланилади.